



№2-3
2019-yil, 8-yanvar
Seshanba (32.493)

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

O'zbekiston ovozi

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш,
судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта
тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини
тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
қарори қабул қилинди. Мазкур қарорни газетамиз
сайтида ўқишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда туризмни миллий иқтисодийтни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишни таъминловчи стратегик тармоқлардан бири сифатида ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Виза режимининг либераллаштирилиши, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш тартибининг соддалаштирилиши, туризм тармоғини ривожлантириш учун имтиёз ва преференциялар берилиши миллий туризм салоҳиятини ички ва ташқи бозорларда самарали тарғиб қилиш имконини берди.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар туризм тармоғини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асоснинг номукамаллиги, алоҳида туризм хизматларини кўрсатиш қондаларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг тоифалари, бўлиш мuddатлари ва мақсадлари бўйича дунё амалиётида кенг қўлланиладиган алоҳида виза режимларининг мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, жойлаштириш воситалари ва инфратузилма объектларининг, айниқса, туризм мавсумида етишмаслиги, турли транспортларда йўловчиларни ташит тизимининг етарли даражада мувофиқлаштирилмаганлиги, шунингдек, туристларни мавжуд туризм салоҳияти тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш даражасининг пастлиги, ички туризмни, мамлакат ҳудудларидаги маданий мерос объектларининг ва зиёратнинг ўзига хосликларини тарғиб қилиш бўйича маркетинг кампанияларининг самарасизлиги туризмни жадал ривожлантиришга салбий таъсир қилмоқда.

Туризмни, авваламбор, хусусий секторда ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, кўрсатилаётган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, миллий туризм маҳсулотини дунё бозорига фаол ва комплекс равишда тарғиб қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2018 йил 28 декабрда қилган Мурожаатномасида билдирилган тақлифларни амалда татбиқ этиш мақсадида ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ:

туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қaratилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш;

туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда мақбул ва қулай туризм муҳитини яратиш;

транспорт логистикасини ривожлантириш, ички ва ташқи йўналишларни кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш;

туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш;

республика ичида туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган туризм фаолияти субъектларининг фаоллигини рағбатлантиришни таъминловчи ички туризмни ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси туризм маҳсулотини халқаро ва ички туризм бозорларида тарғиб қилиш, мамлакатнинг саяҳат ва дам олиш учун хавфсиз сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш;

туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Белгилансинки, Концепция ҳар йиллик алоҳида чора-тадбирлар режасини тасдиқлаган ҳолда унинг асосий йўналишлари ва мақсадли параметрларининг тегишли давр мобайнида бажарилишига қараб босқичма-босқич амалга оширилади;

б) 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясини амалга ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси (кейинги ўринларда — Чора-тадбирлар режаси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли йил бўйича Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши асосини таҳлил қилган ҳолда ҳар йили 1 декабрга қадар кейинги йил учун Чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ — 3217-сон қарорига асосан ташкил этилган Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (А.Н.Арипов) қуйидагиларни таъминласин:

барча режалаштирилган чора-тадбирларнинг самарали ташкил этилиши, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича вазирлиқлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;



ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз қўшинларининг жанговар тайёргарлиги, ҳар қандай вазиятга шайлиги кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Тезкор-тактик, қўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар яқинлаштириш ишлари тобора такомиллаштирилмоқда. Бунга ҳарбий қисм ва муассасаларда режа асосида ўтказилаётган ўқув машғулотлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Доимий жанговар шайлик замирида эса сарҳадларимиз дахлсизлиги, оёсийишталигимизни асрашдек устувор мақсад мужассам. Шарқий ҳарбий округга қарашли майор

Расулхон Аҳмедов командирлик қилаётган ҳарбий қисм шахсий таркиби жанговар тайёргарлиқни оширишда бошқаларга ўрнатқ бўлмоқда.

Округнинг дала-ўқув майдонларидан бири. Бу ерда ўтказилаётган амалий тактик-ўқув машғулотлари давомида машқларни юқори даражада ташкиллаштириш ва ўтказиш, бўлинмаларнинг ҳудудга жойлашиши, қузатув пунктини жиҳозлаш ҳамда ниқоблаш, разведка ишларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир ўқув жойида машғулотларни бажаришда инновацион ёндашувни кўриш мумкин.

Машғулот раҳбарлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг машқларни ўзлаштириш даражасига ҳам танқидий, ҳам таҳлилий баҳо берилмоқда. Чунки шиддат билан ўзгариб бораётган замонавий жанг олиб бориш стратегияси ҳарбийларимиздан узлуксиз равишда билимларини бойитиш ва

малакаларини такомиллаштириб боришни талаб этади. Шу маънода бугунги кунда жанговар бўлинмалар олдида турган вазифалар ҳар қачонгидан-да масъулиятли. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун юксак тайёргарликка эга бўлган профессионаллар, ўз ишининг моҳир усталари, стратегик ва тактик фикрловчи командирлар бўлинмаларга етакчилик қилиши зарур.

Мазкур амалий тактик-ўқув машғулотлари ҳарбий хизматчи учун бўлинмаларни бошқариш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, энг муҳими, қўшинлар ҳамкорлигининг ўзига хос муҳим жиҳатларини амалиётда синаб кўриш имконини бермоқда, уларнинг тажриба ва маҳоратларини оширмоқда.

Аҳрор ОЧИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2019 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиласин.)*

1 АҚШ доллари	8337,07
1 ЕВРО	9498,42
1 Россия рубли	123,36
1 Англия фунт стерлинги	10609,76
1 Япония иенаси	76,83
1 Жанубий Корея вони	7,47
1 Кувайт динари	27501,47
1 Малайзия ринггити	2016,71
1 Хитой юани	1214,20
1 Сингапур доллари	6134,71
1 Швейцария франки	8452,87
1 БАА дирҳами	2269,95
1 Миср фунти	466,80
1 Австралия доллари	5929,32
1 Туркия лираси	1564,15
1 СДР	11594,70
1 Украина гривнаси	299,95
1 Польша злотийси	2213,83

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МУҲОКАМА

4 январь кунин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштирилди.

Давлат дастури лойиҳаси:

таклифлар, фикр-мулоҳазалар

7 январь кунги ҳолатга кўра, Давлат дастури лойиҳаси бўйича 160 дан ортиқ мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Дастур лойиҳаси интернетда <http://www.2019.strategy.uz/> манзилида ҳам жойлаштирилган, унга қўллаб фикр ҳамда изоҳлар қолдирилмоқда. Қизиги, уларнинг сони кечаги ҳолатга кўра 1,5 мингга яқинлашди. Бу Давлат дастурида белгиланаётган йўналишлару вазифалар жамоатчилиқда катта қизиқиш уйғотаётгани, фаоллик ошаётганидан далолат беради.

Давлат дастури лойиҳаси 5 қисмдан иборат. Булар биринчи — Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, иккинчи — Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, учинчи — Иқтисодийтни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишлари, тўртинчи — Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, бешинчи — Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда қуқур уйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишлардан иборат бўлмоқда.

Биринчи йўналишдаги Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш бўлимида белгиланаётган вазифалар юзасидан энг кўп изоҳлар қолдирилмоқда. Янада аниқроқ

айтадиган бўлсак, Олий Мажлис палаталарининг норма ижодкорлиги ва парламент назорати йўналишидаги фаолиятини кучайтириш, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис, вилоят, туман ва шаҳар давлат органлари раҳбарларини халқ депутатлари Кенгашлари томонидан тасдиқлаш амалиётини жорий этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг самарали механизмларини яратиш ишлари қандай амалга оширилиши юртдошларимизни кўпроқ қизиқтирмоқда.

Булардан ташқари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларига малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган янгона кадрлар сиёсатини шакллантириш, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини ислоҳ қилиш, фуқароларга паспорт хизмати кўрсатиш тизимини соддалаштириш, айрим ҳаракатлар учун нотариял тасдиқланиши ишлар бўлаб ташаббусларни берол қилиш, энг кам ойлик ҳақи миқдорини белгилаш тартибини қайта кўриб чиқиш, болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзандларнинг оналарини янада қўллаб-қувватлаш каби масалалар ҳақида ҳам қўллаб фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда.

Умуман, Давлат дастури лойиҳасида 253 та чора-тадбирни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жамоатчилик муҳокамаси 19 январь кунига-ча давом этади.

Тўлқин ТИЛАВОВ
тайёрлади.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ИЖТИМОЙ НАФАҚА ТУРИ


Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимиз келгуси тараққиётининг энг муҳим йўналишлари белгилан берилди. Йилнинг бош ҳужжатида илгари сурилган гоя ва таклифлар замирида аҳолининг бугунги ва эртанги кунидан рози бўлиб яшашидек улутвор мақсад мужассам.

Биз, сиёсий партиялар вакиллари Мурожаатнома-ни яна бир бор диққат билан ўқиб, 2019 йил учун аниқ мақсадли вазифаларни белгилан олмоғимиз лозим. Менинг фикримча, мазкур Мурожаатноманинг асосий гояси демократик ислохотлар йўлидан орта қайтмас-лигимиздир. Мамлакат раҳбари барчани бир мақсад сари бирлаштишга, шиддат билан кечаётган ислохотларда фаол иштирок этишга даъват қилмоқда. Ислохотлар эса ҳеч қачон осон кечмаган.

2019 йилга «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб ном берилишида ҳам халқимизнинг фаровон турмуш тарзи, тинч ва осуда ҳаёти, Ватан равнақи каби эзгу мақсадлар мужассамдир. Мурожаатномада соҳалар кесимида бажарилиши керак бўлган устувор вазифаларнинг аниқ йўналишлари ақс этган.

Бугун мамлакатимизда фаол-инвестиция сиёсати юритилмоқда. Инвестиция — бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, дея аниқ таърифланди. Аммо бу ижтимоий соҳанинг иккинчи даражага тушишини аниқлашмайди. Ақсинча, иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий самарадорлиги таъминланмоқда.

Давоми 2-бетда. ►



КЕСАЛИКНИНГ
УМРИ УЗАЙМОҚДА

АДОЛАТ ПОСАНГИСИ
БУЗИЛСА...

ТУРИЗМ ТИРИКЧИЛИКНИНГ
ТАДБИРКОРЛИКНИ

Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТУРИЗМНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Концепция ва Чора-тадбирлар режасининг вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш, шунингдек, ҳар чорада ушбу Фармоннинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси батафсил маълумот киритиб бориш;

хорижда Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш ва хорижий туристларни жалб қилишга қаратилган қўшма тадбирларни ўтказиш бўйича «Йўл харитаси»ни ҳар йил тасдиқлаш;

ҳар йиллик Чора-тадбирлар режасининг бажарилишидан келиб чиқиб, лозим бўлганда, Концепция параметрларига ўзгартириш киритиш.

3. 2019 йил 1 февралдан бошлаб 3-иловага мувофиқ мамлакатларнинг фуқаролари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан **30 кунлик муддатга визасиз режим** белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг қуйдаги тақлифларига розилик берилсин:

а) 2019 йил 1 февралдан бошлаб фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатини 4-иловага мувофиқ кенгайтириш;

б) 2019 йил 15 мартдан бошлаб 30 кунлик амал қилиш муддати бўлган электрон кириш визасининг қуйдаги турларини бериш тизимини жорий этиш:

иқки марталик, консуллик йиғими 35 АҚШ доллари миқдорига; куп-марталик, консуллик йиғими 50 АҚШ доллари миқдорига;

в) Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун 5-иловага мувофиқ қўшимча (электрон бўлмаган) кириш визалари тоифаларини беришни жорий этиш.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрадиган хорижий фуқароларнинг айрим гуруҳлари учун қўшимча (электрон бўлмаган) визалари тоифаларини жорий этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

5. 6-иловага мувофиқ хорижий мамлакатлар фуқароларига Ўзбекистон Республикасига яшаш гувоҳномасини олиш ҳуқуқи тақдим этилсин.

Белгилансинки, ушбу ҳуқуқ: Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида — 400 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида — 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва республиканинг бошқа вилоятларида — 100 000 АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда қўчмас мулкни сотиб олган тақдирда берилди.

6. Ўзбекистоннинг логистика жозибадорлигини тубдан яхшилаш, шунингдек, маҳаллий аэропортларда парвозларга хорижий авиакомпанияларни жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 7-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйдагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

биринчи навбатда Европа ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан товар айланмаси, ташилладиган йўловчилар сони ва инвестицияларни кўпайтириш учун республикадаги транспорт алоқа тизимини тубдан яхшилаш; «этир» туризми йўналиши

«этир» туризми йўналиши

«этир» туризми йўналиши

орқали туристлар оқимини ошириш, шу жумладан, Индонезиядан доимий авиақатновларни очиш учун авиакомпанияларни жалб қилиш масалаларини тезкорлик билан ҳал этиш;

туристлар оқимини жалб қилиш мақсадида парвозларнинг стратегик муҳим йўналишларини аниқлаш;

мамлакат аэропортларида янги йўналишларни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ташувчилар учун мослашувчан чегирма ва преференциялар тизимини ишлаб чиқиш;

ўзаро боғловчи қатновларни, шу жумладан, «мавсумдан ташқари» даврда ташкил этиш орқали узоқ магистрал йўналишларда йўловчилар сонини кўпайтириш;

хорижий ва маҳаллий авиакомпаниялар билан музокаралар ўтказиш, шунингдек, уларнинг тақлифларини кўриб чиқиш ва уларни аэропортлар бўйича тўғри тақсимлаш;

чартер рейсларини келишиш механизмини соддалаштириш; мамлакатдаги айрим аэропортларда «Очқ осмон» режимини жорий этиш;

маҳаллий авиакомпаниялар ташкил этилишига қўмаклашиш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани қайта қўриб чиқиш;

мамлакат ичкарида ин-термодал ташувларни (автотемир йўл ва авиаташувлар) таъминлаш учун туристларнинг транспорт ташувини янада ривожлантириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

авиакомпаниялар харажатларини камайиштириш ва истеъмолчилар учун авиачипталар нархини оптимallasштириш;

мамлакат вилоятлари ўртасидаги ички авиаташувлар йўналишларини сонини кўпайтириш;

хорижий етказиб бериувчилардан авиакеросин сотиб олиш механизминини харид жараёнида шаффофлик ва рақобатни таъминлаган ҳолда такомиллаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойiha бошқаруви миллий агентлиги, Аxbорот технологиялари ва коммуни-кацияларини ривожлантириш ва-зирлиги, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда рейсларни (автотемир, авиа ва темир йўл) қулай тарзда боғловчи йўл чипталарини сотиш-ни назарда тутувчи республика транспорт тизимининг ягона электрон портални, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик механизмлари асосида ташкил эт-син ҳамда унинг ишлаш тартибини белгиласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатла-рига 8-иловага мувофиқ ўзгарти-риш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идора-лар билан биргаликда икки ой му-датда қонунчиликка ушбу Фармон-дан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳма-сига тақлифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теледидиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги омма-вий ахборот воситаларида ушбу Фар-моннинг мақсад ва вазифаларини ту-шунтиришга қаратилган нашрлар ва тематик дастурларни ташкил этсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижро-сини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республи-каси Президентини Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов, Ўзе-бекистон Республикаси Президентини хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зим-масига юклансин.



ЎзХДП фракцияси

қонун лойиҳасини нега қўллаб-қувватламади?..

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида муҳокамага қўйилган «Фуқароларнинг жомоат тартибини сақлашдаги иштирок тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг депутатлар пухта ишланмаган, деб ҳисобламакда.

Чунки бирор-бир қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда кўр-кўрона хориж тажрибасига эрга-шиш эмас, уни ўзимизга, халқимизга, мадания-тимизга мослаштириш талаб этилади. Ҳар қан-дай ҳуқуқий ҳужжат инсон манфаатига хизмат қилар экан, уни амалиётга жорий этишда шо-ша-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун кўпчилик овоз билан мазкур қонун лойиҳа-си қўллаб-қувватланмади.

Депутатлар бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқди. Хусусан, «Яйловлар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизғин муҳокама қилинди.

Таъкидландики, ҳозирги кўнда яйловлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга оид муносабатлар бир неча қонулар, ўндан ортиқ қо-нуности ҳужжатлари билан тартибга солинмакда. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризацияси ҳамда ҳуқуқий қўллаш амалиётининг таҳлили мамлакатимизда яйловлардан оқилона фой-даланиш соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган қўллаб долзарб муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатади.

Маълумот учун, 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада яйлов ва пичанзорларнинг умумий майдони 21,1 млн. гектарни ёки мам-лакат ер майдонининг 46,5 фоизини ташкил этади. Ҳозирги кўнда ушбу ерларда 2300 дан ортиқ қорвончилик ва қоракўлчилик йўналиш-даги фермер хўжалиги фаолият юритиб, улар томонидан қоракўл териси, жуни, гўшт ҳамда сут маҳсулотлари етиштирилмакда.

Лекин соҳадаги муносабатларни тартиб-га солишчи махсус қонун қабул қилинмаган, яйловлардан оқилона фойдаланиш юзасидан давлат бошқаруви органларининг ваколатлари аниқ белгиланмагани, тегишли ташкилий чо-раларнинг қўрилмаслиги салбий ҳолатларни келтириб чиқармакда. Шунингдек, мол боқиш ва пичан ўриш меъёрлари, режаси белгиланма-

гани, яйловларни муҳофаза қилиш, маҳсулдор-лигини оширишга қаратилган илмий-тадқиқот ҳамда инновацион ишланмалар жорий этилма-гани, сув таъминоти иншоотларининг эскиргани ҳам ҳолатнинг ёмонлашувиغا сабаб бўлмакда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши би-лан мамлакат умумий ер майдонининг қарийб ярмини ташкил этадиган яйловлардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизм-лари яратилади. Яйловлардан оқилона фой-даланиш соҳасида давлат бошқаруви ва ма-ҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вако-латлари аниқ белгиланади. Натижада ҳар бир ҳудуд ўзи масъул бўлган ерга алоҳида эътибор қаратади ва жавобгарлик ортади, деб ҳисобла-макда ташаббускорлар.

Шу билан бирга, инқирозга учраган яйлов майдонларини аниқлаш ва тиклаш, ҳосилдор-лигини ошириш учун озқабоб экинларни экиш ишлари ташкил этилади. Бу ўз навбатида ём-хашак нархлари арзонлашишига асос бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини, аҳолига гўшт ва сут маҳсулотларини етказиб беришни кў-пайтириш ҳамда уларни экспорт қилиш учун янги имкониятлар яратилади.

Аҳамиятлиси, соҳага янгилик олиб кири-лади. Яъни, яйловларни муҳофаза қилиш ва уларнинг ҳосилдорлигини оширишга қарати-лан илмий-тадқиқот ва инновацион ишланма-лар жорий этилади. Чорва озқаси ҳажмининг кескин камайиши ва яйлов ерлари инқирози-нинг олди олинади. Албатта, буларнинг ҳам-маси қабул қилинадиган қонуннинг ижроси рисоладагидек ташкил этилганда рўй беради.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ҳолда қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади.

Ўз мухбиримиз.

НАРХЛАР БАРҚАРОРЛИГИ — МАКРОИҚТИСОДИЙ МУТАНОСИБЛИК АСОСИ

МУНОСАБАТ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай шaroит яратиш, нарх шаклланиш жараёнига бозор тамойилларини жорий қилиш орқали иқтисодий рақобат муҳитини шакллантириш, барча субъектларга хомашё ва бошқа ресурслардан фойдаланиш учун тенг шaroит яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ушбу жараёнда энг асосий вазифалардан бири — ички бо-зорда нархларнинг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслиги, яъни инфляция даражасини жилов-лашдир.

Ҳақиқатан ҳам, нархларни эркинлаштириш шaroитида инфляцияни меъёрий даража-да сақлаб туриш макроиқтисод-ий барқарорлик ҳамда аҳоли фойдаланишнинг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатно-масида ушбу масалага алоҳида урғу берилгани ҳам бунини исбот-лаб турибди.

Мурожаатномада 2019 йил-да инфляция даражасини жи-ловлаш учун қайси омилларга эътибор қаратиш лозимлиги, қайси соҳаларда бозор иқтисо-дий тамойилларига мос кела-диган туб ислохотларни амалга ошириш зарурлиги юзасидан аниқ вазифалар белгилаб бе-рилди.

Маълумки, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, халқаро ҳамжамият томонидан кенг эъ-тироф этилган — янги Солиқ концепцияси жорий қилинди. Бу Концепция мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган воқе-

ликдир. Ушбу ҳужжат асосида иқтисодий кичик ва йирик корхоналарни солиққа тортиш механизмларини такомиллаш-тириш орқали рақобат муҳитини ривожлантириш, соҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юқини пайсатириш орқали аҳолининг реал даромадларини оши-риш, мақсадли жамғармаларга ажратмаларни бекор қилиш, фойда, дивидендлар ва бош-қа солиқ турлари бўйича став-каларни пайсатириш орқали корхоналарнинг инвестицион фаоллигини оширишга йўнал-тирилган узоқ муддатли страте-гик мақсадлар ётади.

Маълумки, кичик тадбир-корлик субъектларининг умум-белгиланган солиқларни тў-лаш тизимига ўтиши маълум маънода нархларнинг ўсишига салбий таъсир кўрсатиши мум-кин. Шунини инобатга олган ҳол-да, Мурожаатномада Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қў-митаси солиқ маъмуриятчили-ги самардорлиги ҳамда бюд-жет ва истеъмол маҳсулотла-ри нархининг барқарорлигини таъминлашга шахсан масъул этиб белгиланиши қайд этил-ди. Солиқ маъмуриятчилиги шундай бўлиши керакки, кў-шилган қиймат солиғи қў-

ЯНГИ ИЖТИМОЙ НАФАҚА ТУРИ

МУНОСАБАТ

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кучли ижтимоий сиёсат, деган тамойилга амал қилинмакда. Эътибор беринг, Мурожаатномада мамлакатимизда иқтисодий юксалишни таъминлаш орқали ижтимоий соҳани тараққий эттириш устувор вазифа бўлиб қолиши алоҳида қайд этилди. Бунда, жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш, пировардида аҳолининг турмуши фаровонлигини ошириш кўзда тутилган.

Мурожаатномада аҳолининг ижти-моий ҳимоясини янада кучайтириш, турмуш фаровонлигини ошириш у-стувор вазифалар этиб белгиланган. Мурожаатномада мазкур йўналишда қамрови кенг, моҳиятан юксак ишлар амалга оширилиши айтиб ўтилди. Ху-сусан, умрини ногирон фарзанд пар-варлишига бағишлаган оналар учун алоҳида ижтимоий нафақа турини жорий этилиши белгиланди. Мана шу биргина хабарнинг ўзидек қанча оила-ларга қувонч бахш этди.

Битта ногирон фарзандага таълим-тарбия бериш учун сабр-тоқатнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун она-дан чексиз матонат, меҳр-муҳаббат ва яна кўп хислатлар талаб этила-ди. Агар бир оилада тақдир тақозоси билан икки нафар фарзанд ногирон бўлсачи?..

Афсуски, юртимизда мана шун-дай ҳонадонлар ҳам бор. Аҳоли ўрта-сидаги тарғибот жараёнларида бунга ғувоҳ бўлганмиз. Давра суҳбатларида ногирон фарзандини тарбиялаётган аёлларга ижтимоий нафақалар ажра-тиш масаласида юзлаб мурожаатлар бўлган. Тизимнинг ичига кириб ўрган-ганимизда қонунчиликда ногиронлиги бўлган аёлларга нафақа тайинлаш масаласи йўқлиги аён бўлган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда 16

«Давоми, бошланиши 1-бетда.




ёшдан катта бопаликдан ногиронлар-га, 16 ёшгача ногирон болаларга ва ўн саккиз ёшга тўлмаган ОИВ инфек-циясига чалинган шахсларга ойлик нафақалар берилиши белгиланган. Аммо ногиронлиги бўлган шахсларни тарбиялаётган ота-оналарга ижти-моий нафақалар кўзда тутилмаган. Эндиликда пенсия тизимини тартибга солувчи амалдаги қонун ва қонунсо-ти ҳужжатларига қўшимчалар кири-тилиб, қийналиб юрган оналар, яна қанча оилалар ижтимоий ҳимояси таъминланади.

Назаримда, яна бир жиҳатга эъ-тибор қаратишимиз керак: Ногирон фарзанд тарбияси билан шугулла-наётган оналарга ижтимоий нафа-қа берилиши партиямиз электорати учун қўтилмаган янгилик бўлди. Аммо тақдир тақозоси билан умр йўлдоши оламдан ўтган ёхуд ажрашиб уйда ёлғиз ногирон фарзандини тарбия-лаётган оталар ҳам йўқ эмас. Уларга ҳам ижтимоий нафақалар татбиқ қи-линса, биз шу масалани парламентда кўтариб, амалий натижага эришсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Яқинда Чирчиқ шаҳрида ижти-моий ҳимояга муҳтож ҳонадонларга кириб, уларнинг муаммоларини ўр-ганганимизда кўп қаватли уйларнинг бирида ёлғиз ота вояга етмаган но-гирон фарзандини тарбиялаётгани-га ғувоҳ бўлгандик. Ота 60 ёшлар атрофида. Қайсидир ташкилотда қоровуллик қилиб, икки смена иш-лайди. Иш-кечтан чегарида бола ёлғиз қолади. Ҳаётда бундай тақ-дирлар оз эмас.

Мурожаатномада агар инсон ўзгарса, жамият ўзгариши алоҳида таъкидланди. Бу фикр ҳаммамизга тегишли. Шунинг учун ўзгаришга тайёриймиз, деб ўзимизга жиддий савол беришимиз, айни вақтда унинг жамоати ҳақида ўйлашимиз керак.



биржа савдолари орқали реал-изация қилиш механизмининг жорий қилиш натижасида эркин рақобат муҳитининг ривожлани-ши билан боғлиқдир.

2019 йилда эса инфляция даражаси 15,5 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмакда. Инфляция даражасини ушбу кўрсаткич доирасида сақлаш учун жорий йилда комплекс ён-дашув талаб қилиниб, қуйдаги иқтисодий механизмларни қўл-лаш назарда тутилмакда:

— солиқ маъмуриятчили-гини такомиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектларининг маъмурий харажатларини ка-майитиришга эришиш;

— бюджет тақчиллигини қисқартириш, бюджет маблағ-ларидан самарали фойдала-ниш тизимини такомиллашти-риш;

— монетар сиёсатни та-комиллаштириш орқали муома-ладаги пул массасини қисқар-тириш ва монетар омилларнинг инфляция даражасига салбий таъсирини камайитириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.

Асосийси, бунда солиқ — бюджет сиёсати ҳамда монетар сиёсатни такомиллаштириш ва уларнинг ўзаро мутаносибли-гини таъминлаш лозим бўлади. Бу сиёсат иқтисодий эркин-лаштириш, тадбиркорлар учун янги қулай шaroитлар яратаяди, халқимиз манфати, юртимиз раванқига хизмат қилади.

Ақром МУМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодий вазирлиги
Макроиктисодий
солиқ-бюджет ва пул-кредит
сиёсатлари мувофиқлигини
таъминлаш бўлими бошлиғи
уринбосари.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2019 йил 5 январь

Ш.МИРЗИЁЕВ

2019 йилдан бошлаб жорий этилаётган янги солиқ концепциясининг энг асосий ғояси солиқ юкини камайитириш, содда ва барқарор солиқ тизимини қўллашни кўзда тутати.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

2 январь расман дам олиш куні бўлишига қарамай, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлигида қизик тадбир, тўғрироғи, муҳим учрашув бўлиб ўтди.

Солиқ тизимини улкан богга қиёслаш мумкин. Унда турфа гуллар, турфа дарактлар, яна минг турфа йўлу йўлакчалар бор. Юртимизда бу богнинг қиёфаси анча жиддий, қоидалари ҳам қатъий ва мураккаб эди. Тўғрироғи, бу богда тараққиётнинг ҳар ёғидан тирнайдиган тиканлар кўп эди.

Ўтган йили катта мунозаралар билан шов-шувли тарзда қабул қилинган солиқ концепцияси унга янги ҳаво киритиши, муҳитни энгиллаштириши керак бўлди. Ана шу концепция асосида жорий йилдан солиқ тизимида катта ўзгаришлар амалга киритилди.

Одатда солиқ ислохотларини муваффақиятли рўёбга чиқариш босиқлик ва маълум вақтнинг талаб қилади. Чунки қонун ёки қарор орқали бир кунда тартибни, яъни қоғозни ўзгартирган билан ҳаёт бирдан қарағон бўлиб кетмайди. Лекин Ўзбекистондаги жадал ислохотлар шариоатида ўзгаришлар ва янгиликларни тез ва қисқа фурсатда амалга ошириш керак бўлмоқда. Боиси, биз солиқ сиёсатида дунё тараққиёт қаровидан анча орқада қолиб кетганмиз. Ҳозир шошилмасак, эртага етиб ололмаймиз.

Бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияга қўлай муҳит яратиш, одамларнинг даромадларини ошириш ҳақида баландларвоз гапларни йиллаб гапириш мумкин. Аммо қуруқ тарғибот, «ура-ура»чилик билан ҳеч нарса ўзгармайди. Фикрлайдиган кишилар саёз гапни ёлгон, деб тушунади, чунки уларга аниқ асослар зарур. Мамлакатимизда тахминан шундай шариоит юзага келганди. Инвестор пул тикишда ўта эҳтиёткор эди, ўзимизнинг тадбиркорлар солиқларнинг осилган қовоғидан ҳадиксирар, шунинг учун уларни айланб ўтишга йўл қидиради.

Натижа нима бўлди? Эркин инвестиция оқими кўпаймади, кузатилмади, «яширин иқтисодиёт», коррупция гуллаб-яшнади. Бу кўнгилсиз ва хунук вазиятни ўзгариши учун бизга қатъий ўзгаришлар, қўтилмаган жойда қўтилган янгиликлар керак бўлди. Солиқ тизимида бу йилдан жадал бошланган ислохотларни ана шу кенг қўлмали жараённинг жиддий бошланги



Қўшимча қиймат солиғи нархлар ошишига олиб борадими?..

ши сифатида қабул қилишимиз керакка ўхшайди.

Лекин бирданига рўй берган ўзгаришлар ҳаётга, тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар ишига, нарх-наво ўсишига қандай таъсир ўтказадиган? Янгиликлар жорий қилинаётганда кейинчалик муаммо келтириб чиқарадиган жиҳатлар эсдан чиқиб қолмаганими?

Молия вазирлигидаги учрашув шу каби саволларга жавоб олиш, амалиётчи мутахассисларнинг фикрини билиш ниятида ташкил қилинди, деб хулоса қилиш мумкин.

Учрашув-тадбирда иштирок этган кишилар таркиби (Бош вазир ўринбосари, молия вазир Ж.Қўчқоров, Давлат солиқ қўмитаси раиси Бехзод Мусаев ва унинг биринчи ўринбосари М.Мирзаев, шунингдек, мамлакатимиздаги йирик савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари раҳбарлари) шундай хулоса чиқаришга туртки беради.

Аслида солиқ сиёсати, ва ставкаларида ҳар йили муайян ўзгаришлар бўлади. Уларнинг айримларини жамоатчилик билан, айримларидан мутлақо беҳабар қоларди. Қаршисидан чиқмагунча, ўзгаришларни кўпчилик кўрмас эди. Лекин янги йилдан, яъни шу йил 1 январдан амалга киритилган ўзгаришлар қамрови анча кенгрок. Уларнинг таъсири ҳаммамизга сезилиши мумкин. Энг кўп мунозараларга сабаб бўлаётган

солиқ бу — ҚҚС, яъни Қўшилган Қиймат солиғидир.

ҚҚС нима?

Маълум тайёр маҳсулот учун қиймат яратадиган ҳар бир субъект ўзи қўшган қиймати миқдоридангина тўлайдиган солиқ ҚҚС ҳисобланади. Ўзбекистонда 2019 йил учун белгиланган давлат бюджети параметрларида қўшилган қиймат солигининг улуғи энг юқори бўлиб, 35 фоиздан ошади. Тўрага айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори бўлган юридик шахслар қўшилган қиймат солигини тўлашга ўтмоқда.

Нега қўшилган қиймат солиғига ўтилади? Соддалаштирилган тартибда солиқ тўловчи кичик корхоналарнинг шу пайтга қадар қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС)ни тўламаслиги факат истеъмолчилар учун солиқ юкини камайитириб, корхоналар учун аслида солиқ юкини қўлайтирмоқда эди, деб ҳисоблайди айрим экспертлар.

Korinka.uz тармоғи раҳбари Зафар Ҳошимов ҚҚС жорий қилиниши, нархнинг ошишига қандай таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида мисол орқали фикр билдирди:

«Қутиси 5000 сўм бўлган чой мисолига қайтамиз. Ўша 5000 сўм нархда қандай солиқлар бўлган? Келинг, шуни бир таҳлил қилсак. ҚҚС 1 январдан пайдо бўлиб қолгани йўқ, у доим «парда ортида» бўлсада, «ошаб келган».

Айтайлик, ўша чой импорт

қилинган. Сўмга қаққанда импортда 3000 сўм бўлган чойга 600 сўмлик ҚҚС солинган. Импортчи-савдо корхонаси чойни энди 3600 сўмлик таннархда олиб, биз-чаканачиларга 4200 сўмдан сотган. Бунда импортчи барча нархдан 5 фоиз ёки 210 сўм умумий солиқ тўлаган. Эътибор беринг, маҳсулот нархидидаги солиқ миқдори 810 сўм бўлди. Энди биз чойни харидорларга 5000 сўмга сотганимизда умумий 4 фоиз ёки 200 сўм солиқ тўлаганмиз. Демак, ўтган йилнинг охиригача ўша 5000 сўмлик чойда биргаликда қўшганда 1010 сўм солиқ бўлган. Жараёнга қўшилган сиртки ҚҚС туфайли «занжир»нинг барча қатнашчилари энди биргаликда факат 20 фоиз ҚҚС тўлайди, маҳсулотдаги бутун бошли солиқ эса (аввалги) 1010 сўмдан (эндиликда) 834 сўмга тушади.

... Мазкур ислохотлардан кутган умид ва ишончларимиз айнан маҳсулот нархи таркибидидаги солиқ юкининг камайишига боғлиқ эди. Янги қарорлар қўшганда киратиладиган солиқ юкини маҳсулот, товарлар бўйича баътафсил таҳлил ўтказганмиз. Ўшанда, маҳсулотлар нархидидаги барча солиқларнинг ўртача меъёри, биргаликда олганда 23 фоиздан кўпроқ эди. Истеъмолчилар эса юқорида чой билан боғлиқ мисолга ўхшаб, бундан беҳабар ҳолда, ҳар бир харид вақтида шунча солиқ тўлашган. Янги ислохотлар эса биргалик-

даги ана шу солиқ қиймати-ни 16,67 фоизгача камайитиришга имкон беради. Алал-оқибатда, бу чакана турдаги савдога ихтисослашган дўконлар пештахталаридаги бир қатор маҳсулотларнинг нархи тушишига ҳам олиб келади...

Лекин айрим мутахассислар бундан кейин нархлар ошмайди, деб қатъий ишонч билан гапириш тўғри эмас, деб ҳисоблайди. Дўконлардаги нархлар 1 январь ҳолатига деярли ошмаганига сабаб ҳали кўпчилик ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчилар томонидан ҚҚС жорий этилмагани билан изоҳланади. ҚҚС бўйича ҳужжатлар лойиҳалари 2018 йилнинг охири кунига қадар ўзгариб турди. Масалан, гушт, нон ва баъзи сабзавот маҳсулотлари ҚҚСдан озод этилгани йилнинг охири кунига маълум бўлди. Барча ишлаб чиқарувчилар шунинг учун ўз маҳсулотларини эски нархларда сотяпти ва вазиятнинг аниқлашувини кутяпти. Дўконлар ҳам илгариги нархлар таркибиде ҚҚСни факат текда кўрсатаёпти, холос.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қиладиган бўлсак, ҳали йилнинг боши, солиқларнинг янги тартиби жорий қилинганга ўн кун ҳам бўлгани йўқ. Ўзгариш ва янгиликлар ҳаётга, хусусан, бозорлардаги нархларга қандай таъсир қилишини вақт кўрсатади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ЯНГИЛИК

Солиқ ва бюджет сиёсатининг жорий йилга мўлжалланган асосий йўналишлари кўп нарсаларни ўзгартиради. Айниқса, оддий одамлар, тадбиркорларни қувонтирадиган янгиликлар жуда кўп.

Энг муҳим янгиликлардан бири жорий йил 1 январдан жисмоний шахсларнинг даромадларида 12 фоизли ставка бўйича солиқ солиниши бўлди.

2019 йилдан ким қанча ва қандай солиқ тўлайди?..

Илгариги тартиб анча мураккаб ва тушунарлироқ эди. Хусусан, даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир бараваридан беш бараваригача қисмига — 7,5 фоиз, энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача қисмига — 16,5 фоиз, даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари ва ундан кўп қисмига — 22,5 фоиз солиқ солинган.

Энди жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ягона ставкаси 12 фоиз миқдориде ўрнатилди. Фуқароларнинг мажбурий сугурта бадалларининг (иш ҳақидан 8 фоиз) бекор қилиниши натижасида «қўлга» тегадиган иш ҳақи миқдори ўртача 6,5 фоизга ошади. Иш ҳақи фонидан ягона ижтимоий тўлов миқдори 12 фоизгача пасайтирилди. Давлат мақсадли жамғармаларига айланадан 3,2 фоиз миқдорда ундириладиган мажбурий ажратмалар бекор қилинди.



Юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкалари 14 фоиздан 12 фоизгача, тижорат банклари учун — 22 фоиздан 20 фоизгача, дивиденд ва фойда қўри-нишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан солиқ — 10 фоиздан 5 фоизгача, юридик шахслар мол-мулк солиғи — 5 фоиздан 2 фоизгача пасайтирилди. Юридик шахслардан фойда солиғи ставкалари фаолият турига қараб, 12 фоиздан 20 фоизгача олинади. Дивиденд бўйича солиқ солинади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар 2019 йил 1 январдан бошлаб бир календарь йилда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олдинган тушум миқдори 100 миллион сўмгача бўлганда қатъий белгиланган солиқни, 100 миллион сўмдан 1,0 миллиард сўмгача бўлганда, 4 фоизлик ставкада ягона солиқ тўловини, 1,0 миллиард сўмдан ошганда юридик шахслар томонидан тўланиши назарда тутилган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини амалга ошириш доирасида божхона тўловлари, ер қазирдан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ — сув ресурсларидан тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланилганда, акция солиғи — акция тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарилганда, ягона ижтимоий тўлов, давлат бож, автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимлар тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шугулланувчи солиқ тўловчи қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар (сумма) бўйича алоҳида-алоҳида тўлайди.

Ягона солиқ тўловининг базаси ҳисоблаб чиқарилган ялпи тушумдан белгиланган (4 фоиз) солиқ ставкаси бўйича ҳисоблаб чиқарилади ва ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 25-санасига қадар тўловни амалга оширади.

Якка тартибдаги тадбиркор амалдаги қонунчиликка асосан чакана савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги жами 84 та фаолият билан шугулланиши мумкин. Бунда чакана савдо фаолиятида 1 нафаргача, маиший хизмат кўрсатишда 3 нафаргача, фаолиятнинг бошқа турларида 2 нафаргача ҳодимни ёллаб ишлатиш ҳуқуқига эга.

Хусусий тадбиркор юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш киритилди.

Эндиликда, қурилиш материаллари, цемент, шифер, ёғоч ва ёғоч маҳсулотларини сотиш, алюминий (пластик) профилдан эшик, дераза ва бошқа буюмлар тайёрлаш, ўсимлик, ҳайвонлар ва минераллардан тайёрланган доривор хомашёни қадоклаш ва улгуржи сотиш, транспорт воситаларини ювиш, салонни тозалаш ва шунга ўхшаш бошқа хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга оширувчилар, четдан тижорат мақсадида бир ойда 5000 АҚШ долларида кўп товар олиб келувчилар (импортёрлар) жорий йилнинг 1 январидан юридик шахс сифатида қайта рўйхатдан ўтишлари талаб этилади.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

МУАММО ВА ЕЧИМ

Мамлакатимизда амал қилиб келган кўчмас мулкларни ижарага бериш шартномаларини нотариал расмийлаштириш жараёни ўзининг мураккаблиги билан кўпчиликда эътироз туғдираётган эди. Давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларни тубдан ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат эндиликда аҳолини қийнаб келаётган мазкур масала ечимида ҳам ўз ифодасини топди.

Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги «Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариал тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартибини ўрнатилган кўчмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинмоқда.

Шу кунгача аҳолини сарсон қилиб, нотариал идорада навбатлар қутини натижа-сида вақтини кетказишга сабаб бўлаётган амалдаги тартибга барҳам берилмоқда. Яна бир муҳим жиҳати, шу пайтгача жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришда шартномани расмийлаштириш учун нотариал идорага оз эмас, кўп эмас 10 та ҳужжат олиб келиши зарур бўлган бўлса, янги тартибга биноан энди кўчмас мулк эгаси бўлган жисмоний шахс солиқ идораларига бор йўғи 2 та ҳужжатни тақдим этишининг ўзи kiffo қилади.

Янги тартиб бўйича яна қандай ўзгаришлар киритилмоқда ҳамда жисмоний шахслар учун қандай энгилликлар жорий этилмоқда?

Маълумки, мулкни бошқа шахсларга беришга доир асосий юридик ҳужжат шакли кўчмас мулкни ижарага бериш тўғрисидаги шартнома ҳисобланади.

Амалдаги тартибга қўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 603-моддасига асосан фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойни ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши талаб этилади.

Шу билан бирга, давлат нотариал идоралари томонидан Адлия вазирлигида 2010



йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхат олинган «Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқнома»нинг 136-бандига асосан кўчмас мулк ижараси шартномаларини тасдиқлашда фуқаролардан бир неча ҳужжатлар тақдим этиш сўралган.

Хусусан, ижарага берилаётган кўчмас мулкнинг кадастр йиғмажилиди, паспорт (асли), солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), уй-жойда доимий пропис-ка қилинган шахслар тўғрисида маҳалладан маълумотнома, уй дафтаридан кўчирма, доимий пропискада бўлган воёга етганларнинг розилиғи, умумий эгаликдаги кўчмас мулкларнинг эгалари (эр-хотин)нинг розилиғи, васийлик ва ҳомийлик органларининг розилиғи, хусусийлаштирилган уй-жойлар бўйича хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотнома ва уларнинг розилиғи, кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаровга олувчининг розилиғи билан боғлиқ — жами 10 та ҳужжат талаб этилган.

Солиқ кодексининг 192-моддасига асосан мол-мулкни ижарага беришдан даро-

мад олаётган жисмоний шахс ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан биринчи ой тугатганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки тарздаги декларация ҳам тақдим қилиши шарт бўлган.

Давлат нотариал идоралари томонидан кўчмас мулк ижара шартномалари тўғрисидаги маълумотларни дастурий маҳсулга киритишда айрим ҳолларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар натижасида даромад солигининг нотўғри ҳисобланиши кузатилиб, бу фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлган.

Жорий этилаётган янги тартибга қўра, эндиликда кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш белгиланмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги қарори 2-бандига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида»ги низоми ишлаб чиқилди.

Ушбу низомига асосан кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйишда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва белгиланган шаклда икки томон ўртасида шартнома тузилиши талаб этилади, холос. Бу эса фуқаролардан ортиқча ҳужжатлар талаб қилиш ва сарсонгарчиликларга барҳам беради.

Кўчмас мулк ижара шартномалари давлат солиқ хизмати органларида тўғридан-тўғри ҳисобга қўйилаётганлиги сабабли Солиқ кодексининг 192-моддасига асосан ижара шартномаси тузилган кундан кейинги ойнинг 5 санасига қадар давлат солиқ хизмати органига топширилиши лозим бўлган дастлабки декларация бекор қилинмоқда.

Кўчмас мулкни ижарага бераётган жисмоний шахслар ани нималарга эътибор қаратишлари талаб этилади?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 612-моддасига мувофиқ, кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган, деб ҳисобланади.

Акмал НАЗАРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси Жамоатчи-лик билан алоқалар ва ҳукукий ахборот бўлими давлат солиқ катта инспектори.

«Ўзбекистон меҳнат соҳасидаги ўз халқро мажбуриятларига нисбатан масъулиятли ва пухта ёндашувни намойиш этмоқда.

УЯТ
ЎКИ
туризм
тирикчиликми,
тадбиркорликми?

МУЛОҲАЗА

Бутун дунёда туристлар кўп келадиган ҳудудларда маҳаллий халқ тирикчилик ва тадбиркорлик билан шуғулланади. Бу айб эмас ва ҳеч ким бунга қарши ҳам эмас. Лекин туристлар кўнглини хира қилиш, кайфиятини бузиш, беэдириш керак эмас.

Яқинда Тошкент вилоятининг Чотқоҳ тоғ тизмасида жойлашган, жаннатмакон Чимён дам олиш масканига бордим. Машинани йўл четида тўхтатдим. Бир йилгит келиб, бу ерга машина қўйиш мумкин эмас, деб меҳмон олдида бақира кетди. Мен турист билан оиламни канат (осма) йўл кассасигача кузатиб қўйдим. Билет анча қimmat. Ҳаммаёқ қор билан қопланган, ҳаво совуқ бўлсада, осма йўл ўриндиқларида (икки кишилик) нам тахта ва ярим метр занжирдан бошқа ҳеч қандай ҳимоя воситаси йўқ.

Қайтиб келиб машинамни тўхтатиш жойига олиб кирдим. У тош билан ўралган майдон. Унда бор йўл 10 та машина бор ҳолос. На дарвоза бор, на машина тўхтатиш жойини билдирувчи ёзув. Унинг ичида 10 та машинадан ташқари 15-20 от ва 10-15 та чет элдан келтирилган каттагина мотоцикл у ёқдан бу ёққа бориб келиб турибди. Шунингдек, 10-15 ит сангир юрибди...



Дарвоза олдида овқат ва сомса бор экан. Ўтириш учун туристларга тахтадан ясалган 2 та стол ва скамейкалар мавжуд. Идиш-товоқлар челақдаги сувга чайилади. Ошпазнинг кийимига қараб бўлмайди. Бу жойларда ҳеч қандай санитария-гигиена талаблари ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. «Дўкон»ларини айландим. Дўкон деб аташга тилинг бормайди. Улардаги нархларни гапирмаса ҳам бўлади.

Қайтиб келиб машинага ўтираётганда ҳожатхонага кўзим тушди. Унга уч-тўрт тахта зина орқали чиқилар экан. Темирдан ясалган иккита хонача, бирининг эшиги йўқ, иккинчисида эшикнинг ярми қолган, иккалasi ҳам яхши ёлпмайди. Қўл ювишга сув йўқ. Пастта тушиб улгурмасидан, бир йилгит пайдо бўлади. Нарх — 1000 сўм экан.

Машина тўхтатиш жойига иккита автобус кириб келди. Уларда Малайзия ва Таиланддан келган туристлар бор экан. Автобус эшиклари очилиши билан 5-6 от ва мотоцикллар пайдо бўлди. Бечора туристлар автобусдан тушишга йўл тополмай, қийналиб қолишди. Кейин автобус олдида камида 10 тадан қол кўтарган исирик, доривор ўтлар, маҳаллий ширинликлар сотувчилар келиб кетишди. Туристлар бир соатдан сўнг жунаб кетди. Машина тўхташ жойидан чиқаётганимизда бир йилгит бизни тўхтатиб, «Сиз бу ерда бир соатдан кўп турдингиз, бир соат туриш 5000 сўм», деб 10 минг сўм сўради. Чорвоққа келиб машинамни 10000 сўмга ювдирдим.

Юқорида келтирилган ҳолатларни ўқувчи майда-чуйда нарсапар, деб ўйлаши мумкин. Бу тўғри. Лекин, ҳаммага маълумки, биринчидан ҳар қандай қурилма (тузилма) ҳам майда унсурлардан ташкил топади, иккинчидан майда-чуйда деб ҳисобланган омиллар айрим пайт ҳал қилувчи ролни бажариши ҳам мумкин.

Тирикчилик, тадбиркорлик қилмадан, деб юртимизга келган чет эллик ва ички туристларга сифатсиз хизмат кўрсатиш, юлғичлик қилиш, алдаш салбий оқибатларга олиб келади, туристлар сони камайиб кетиши ҳам мумкин. Иқтисодийни янги босқичга олиб чиқишнинг энг муҳим омилларидан бири туризм бўлса, юқоридаги ноҳус «майда-чуйда» ҳолатларни яхши томонга ўзгартириш лозим бўлади.

Ҳамид ШОДИЕВ,
профессор.

ИНСОН МЕҲНАТИ УЛУҒЛАНГАН МАМЛАКАТ ФАРОВОН БЎЛАДИ

ТАШАББУС РЎЁБГА ЧИҚМОҚДА

Инсон азал-азалдан бунёдкорлик тимсоли сифатида улуғланиб келади. Унинг яратувчилик салоҳиятини рўёбга чиқаришда ҳалол меҳнат ҳал қилувчи ўрин тутади. Дунёда инсоннинг пешона тери, бунёдкорлик даҳоси билан яратилган қанчадан-қанча моддий ва номоддий мўъжизалар мавжуд. Уларнинг энг ёрқин намуналарини қадимий юртимиз тупроғида ҳам кўплаб учратиш мумкин. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Термиз, Қарши, Шахрисабз, Қўқон ва Марғилон каби қўнға шахарларимиздаги меъморий обидалар, «Шашмақом», «Хамса», «Бобурнома» каби маънавият дурдоналари улуг аждодларимизнинг ақл-заковати, олийжаноб меҳнатининг натижаси сифатида барчамизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Бугунги кунда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари борасидаги эзгу аъёналар изчил давом эттирилмоқда ва янгича маъно-мазмун билан бойитилмоқда. Ҳар бир соҳа вакилларининг меҳнатини муносиб қадрлаш, бу йўналишдаги ижтимоий муносабатларни демократлаштириш ва соғломлаштириш, адолатсизликнинг турли кўринишларидан холи қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани барчамизга яхши аён. Айниқса, биз — илм-фан соҳаси ходимлари бу ўзгаришларни биринчилардан бўлиб ҳис этганимизни ҳамиша миннатдорлик билан гапирамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2016 йил декабрь ойининг охирида биринчи учрашуви ва мулоқотини айнан илм-фан намоёндалари билан ўтказган эди. Ўша тарихий учрашувда олимлар меҳнати игна билан қудуқ қазишдек машаққатли эканини таъкидлаб, уларнинг илмий изланишлари натижаларини ҳар томонлама рағбатлантириш кераклигини айтган эди. Бу фикрлар қисқа муддатда ҳаёбда ўз ифодасини топа бошлади.

Масалан, кейинги икки йил давомида меҳнатга ҳақ тўлаш тизими қайтадан кўриб чиқилди. Айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг иш ҳақи бир неча баробар оширилгани, педагог ходимларни уларнинг касб йўналишига тааллуқли бўлмаган турли ишларга жалб этиш, тинкани қуртандиган текширишлар бекор қилингани жамиятимизда чинакам адолатли қарор топтириш йўлидаги улкан қадамлар бўлди.

Шунингдек, аёллар ва болаларни қишлоқ ҳўжалиги ишларига мажбуран жалб этишга бутунлай чек қўйилгани халқимиз томонидан катта мамнуният билан қабул бўлди.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида бошқа муҳим масалалар қатори меҳнат муносабатларини таъқомиллаштиришга, хусусан, қаролатилган пенсия таъминоти, аҳоли учун муносиб меҳнат шaroити ва иш ўринлари яратиш, соғлиқни сақлаш тизими ходим-

лари иш ҳақини ошириш, ёшларни замонавий касб-ҳўнарларга тайёрлаш, уларнинг олий таълим даргоҳларида билим олиш имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Меҳнат муносабатлари соҳасида 40 йилдан зиёд вақт мобайнида илмий кузатиш ва тадқиқотлар олиб бораётган олим сифатида айтишим мумкин: бу йўналишда пухта асосланган сиёсат юритиб, жуда қисқа муддатда улкан амалий натижаларга эришган давлатлар кўп эмас. Шу маънода, Ўзбекистон таърибаси ноёдир. Шунинг учун ҳам у жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда, халқро микёсда эътироф этилмоқда. Бу ҳақда БМТ, Халқро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқа нуфузли халқро тузилмалар минбаридан айтилган ижобий фикрларни кейинги пайтда кўп эшитмоқдамиз.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон меҳнат муносабатларини халқро стандартлар асосида тақомиллаштиришда БМТ ва Халқро меҳнат ташкилоти билан самарали ҳамкорлик қилиб келаётганини таъкидлаш лозим. Ўтган йил 13-15 декабрь кўнлари Халқро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер бошчилигидаги нуфузли делегация расмий таъриф билан мамлакатимизда бўлди. Ушбу ташкилот раҳбарининг юртимизга биринчи марта келишини ҳисобга олиб фикрласак, Ўзбекистондаги ўзгаришлар унда катта қизиқиш уйғотганини аниқлатади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 декабрь кўни Гай Райдерни қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат давомида Ўзбекистон ва Халқро меҳнат ташкилоти ўртасида ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бу борада эришилган натижалар, истибқолдаги вазифалар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Ўша кўни мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида яна бир муҳим воқеа бўлиб ўтганини таъкидлаш ўринлидир. «Меҳнат соҳаси истибқоли: Халқро меҳнат ташкилотининг 100 йилгига арафасида муносиб меҳнат билан бандлиқни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар» мавзусидаги халқро конференцияда Халқро меҳнат ташкило-

тининг бош директори ва вакиллари билан бирга БМТнинг Тараққиёт дастури, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, ЮНИСЕФ, Миграция бўйича халқро ташкилот, Осие тараққиёт банки каби ийрик ташкилотлар вакиллари, Россия, Туркия, Озарбайжон, Қозогистон, Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон, Туркменистондан келган меҳмонлар иштирок этди. Халқро меҳнат ташкилоти раҳбари Гай Райдер конференцияда сўзлаган нутқда ўзининг Ўзбекистонга ташрифи Марказий Осие минтақасига қилган илк ташрифи эканини қайд этиб, мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқини таъминлаш бўйича сўнгги йилларда катта ўзгаришлар амалга оширилаётганини эътироф этди. Анжуманининг бошқа иштирокчилари ҳам Ўзбекистоннинг меҳнат муносабатлари соҳасида эришган ютуқларига юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Халқро меҳнат ташкилотига 1992 йилда аъзо бўлган. Ўтган даврда мамлакатимизда ушбу ташкилотнинг 14 та конвенцияси, жумладан, 8 та асосий конвенцияси ратификация қилинган. 2017 йилдан бошлаб 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган «Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури» амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳрида 2018 йилда Халқро меҳнат ташкилотининг миллий координаторининг офиси иш бошлади. Халқро конференцияда ана шу далиллар келтирилди экан, буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Халқро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик тобора самарали бўлиб бораётганидан далолат беради, деган фикр билдирилди.

Халқро меҳнат ташкилоти делегацияси билан Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси фаолларининг кенгайтирилган учрашуви ҳам бўлиб ўтди.

— Ўзбекистон меҳнат соҳасидаги ўз халқро мажбуриятларига нисбатан масъулиятли ва пухта ёндашувни намойиш этмоқда, — деди Гай Райдер мазкур учрашувда. — Ўзбекистонда болалар ва аёллар ўртасида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва уларнинг самарасини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, уч томонлама ҳамкорлар — давлат, иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ўртасида йўлга қўйилган конститутив ижтимоий мулоқот, қасаба уюшмалари фаолияти учун яратилган шароитлар бошқа мамлакатлар учун намуна бўлишга муносибдир.

Учрашув давомида Ўзбекистонда ижтимоий мулоқотни ривожлантириш борасида аниқ мақсадларга қаратилган ишлар олиб борилаётганига эътибор қаратилди. Хусусан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қасаба уюшмалари федерацияси ва Савдо-саноат палатаси ўртасида Бош келишув имзоланиб, унга амал қилиб келинаётгани, ана шу муҳим ҳужжат ижроси юзасидан назоратни амалга ошириш учун уч томонлама комиссия фаолият олиб бораётгани ижобий баҳоланди. Ижтимоий шариқлик ва мулоқотни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя



қилиш бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқ келишувлари сони 2016 йилдаги 95 тадан 2018 йилда 107 тага етгани, қорхона, ташкилот ва муассасалардаги жамоа шартномалари сони эса 171 тага етгани, бу йўналишдаги ишлар тобора кенгайиб, микёси ортиб бораётганини кўрсатади.

Халқро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер бошчилигидаги делегациянинг мамлакатимизда бўлиши, меҳнат ҳуқуқини таъминлаш янги иш жойларининг яратилиши ва аҳолини муносиб меҳнат билан банд этиш борасидаги ислохотларни жаҳон таърибаси билан қиёслаб, ижобий фикрлар билдиргани бизга меҳнат муносабатларида келгуси режа ва вазифаларимизни аниқ белгиллаб олиш имконини берди. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни ҳар томонлама қучайтириш ва самарадорлигини оширишда Халқро меҳнат ташкилоти бизни қўллаб-қувватлашга тайёрилиги ҳамда ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани анжуман ва учрашувларининг энг муҳим ҳулосаси бўлди.

Қаландар АБДУРАҲМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

АДОЛАТ ПОСАНГИСИ БУЗИЛСА...

одамларда норозилик пайдо бўлади, давлатга, жамиятга нисбатан ишонсизлик кайфияти уйғонади.

Айрим амалдорлар учун буни тушуниш ҳамон қийин кечмоқда.

ТАХРИРИЯТГА ШИКОЯТ КЕЛДИ...

Тадбиркорнинг
нотурар-жой биноси,
аҳоли яшайдиган
хонадонлар мулк
эгалари розилигисиз
«Гарант қурилиш
сервис» МЧЖ
томонидан бузиб
ташланди, етказилган
зарар тўланмади.
Самарқанд шаҳар
ҳокимлиги қарорида
кўрсатилган талаблар,
шаҳар судининг ҳал
қилув қарори ҳам
бажарилмади.
Нега?...

Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 128-манзилда ўтган асрнинг ўрталарида қурилган беш қаватли ётоқхона бўларди. Замонлар ўзгариб, жамиятда мулкдорлар пайдо бўлди, давлат тасарруфидидаги кўпгина иншоотлар кўчмас мулк сифатида тадбиркорларга сотилди.

2006 йилда тадбиркор Жамшид Шомуродов ана шу 5 қаватли бинонинг уч қаватини эгаллаган ётоқхонани сотиб олди. 2007 йилнинг 7 мартида Самарқанд шаҳар ҳокими томонидан «Бинога эгаллик ҳуқуқини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилинди.

Жамшид Шомуродов бинода Тиббий хизмат кўрсатиш маркази очиш мақсадида унинг дастлабки уч қаватини турар-жой тоифасидан чиқариб, нотурар жойга айлантириш мақсадида Самарқанд шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига ариза ёзди. Аризага мувофиқ, 2007 йил 15 мартда унга ва синглиси Ф.Шомуродовага шу асосда СН № 0004610 рақами билан фойдаланиш майдони 1285 квадрат метр бўлган кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқини қасблатловчи «Бинопар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида» гувоҳнома берилди.

Бундан ташқари, Жамшид Шомуродов тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида 128-бинонинг 17 та хонадонини (қвартирасини) нотариал тасдиқланган олди-сотиш шартномаси асосида сотиб олиб, давлат рўй-



хатидан ўтказди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида уй-жой фондини янгиллаш бўйича 2014 йил 15 сентябрда ўтказилган йилгилиш баёни асосида мазкур шаҳарларнинг марказий ҳудудларида хусусий қурилиш ташкилотлари томонидан кўп қаватли уйлар қурилиши авж олиб кетди.

Самарқанд шаҳар ҳокими 2015 йилнинг 27 ноябрида юқоридagi йилгилиш баёни бўйича «давлат ва жамоат эҳтиёжи учун олинган ер участкаси» деган асос билан шаҳарнинг Гагарин кўчасида жойлашган мазкур 5 қаватли турар-жой биносини бузиб, қайтадан қуриш учун «Гарант қурилиш сервис» МЧЖга қарор чиқариб берди.

2016 йилнинг 19 декабрида Самарқанд шаҳар ҳокими томонидан тақририй равишда «Гарант қурилиш сервис» МЧЖга Самарқанд шаҳар, Фитрат кўчасидаги 1-йўлакда жойлашган 1,3,5 ва 7 хонадонлар ҳамда Гагарин кўчасида жойлашган 128, 130-манзилда жойлашган кўп қаватли турар-жой эгаларини амалдаги қонунлар асосида рози қилган ҳолда қурилишни бошлашга рухсат берувчи қарор чиқариб берди.

Қарорда беш қаватли турар-жой биносидagi фуқароларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўчириш асосида кўп қаватли уй қуриш, хонадон эгаларига янги қурилган уйнинг биринчи қаватидан мутаносиб равишда ўз таннархи қийматига уй-жой ажратиш кўрсатилди.

Қарорда беш қаватли турар-жой биносидagi фуқароларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўчириш асосида кўп қаватли уй қуриш, хонадон эгаларига янги қурилган уйнинг биринчи қаватидан мутаносиб равишда ўз таннархи қийматига уй-жой ажратиш кўрсатилди.

Аспидга эса қўнғига биносан «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ раҳбари кўп қаватли турар-жой эгаларидан уй-жойларини тўлиқ сотиб олганидан кейин шу жойнинг ўрнига замонавий уй-жой қуриш масаласи кўриб чиқишли лозим эди.

Бироқ 128-йўлда жойлашган хонадонлар ва Тиббий хизмат кўрсатиш маркази эгалари билан келишмаганлиги, уй-жойлар қиймати ва тахминий етказиладиган зарар аниқланмаганлиги ҳамда уларнинг ўрнига бошқа тенг қийматдаги уй-жой ажратилмаганлиги шу уйда яшовчилар, тадбиркор Жамшид

Шомуродов ва «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ раҳбарлари ўртасида ихтилоф келтириб чиқаради. Яъни, қурилиш ташкилоти ишчилари томонидан бу ерда яшовчи хонадон соҳибларининг юқлари кўчага чиқариб ташланиб, беш қаватли уй бузилади.

Бундан норози бўлган Жамшид Шомуродов турли суд-ҳуқуқ идораларига ариза билан мурожаат қилади. Самарқанд шаҳар ИИБ тергов бўлими ходими Х.Намозов томонидан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилади, бузилган хонадон ва нотурар жойларнинг ўша вақтдаги бозор нархини аниқлаш юзасидан экспертиза ўтказилади.

«Гарант қурилиш сервис» МЧЖ раҳбари Элдор Мўминов томонидан 128-йўлда жойлашган хонадон ва нотурар жойларга етказилган зарар Адлия вазирлигига қарашли Х.Сулаймонова номидagi РССМ Самарқанд вилоят бўлими томонидан берилган ҳулоса орқали баҳоланади (Аспидга бу ҳулоса асосида баҳоланган хонадон ва нотурар жойлар қиймати бозор нархи билан таққосланганда, ўртада катта тафовут борлиги аён бўлади).

Тергов бўлими ходими Х.Намозов кўрсатилган зарар микдорини Самарқанд вилоят ИИБ молия бўлимининг депозитига тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Жиноят ишининг «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ ходимларига нисбатан қисми уларнинг хатти-ҳаракатларида «жиноят таркиби аниқланмагани сабабли» 2017 йилнинг 11 ноябрида Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси, 2-бандига асосан ҳаракатдан тўхтатилади.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2017 йил 13 октябрда қабул қилган ҳал қилув қарорига биноан Жамшид Шомуродов ва бошқаларга тегишли бўлган турар-жой майдонига тенг микдорда уй-жой бериш мажбурияти «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ зиммасига юклатилади. Нотурар жой учун экспертиза томонидан белгиланган пул микдорини ҳам «Гарант қурилиш сервис» МЧЖдан ундириш белгиланади.

Аспидга шаҳар прокуратураси Самарқанд

шаҳар ҳокимининг юқорида келтирилган, яъни, 2015 йилнинг 27 ноябрида ва 2016 йилнинг 19 декабрида қабул қилган қарорига Протест келтирилганда, эҳтимол, қонун устуворлиги таъминланиб, можарога нўқта қўйилиши мумкин эди. Аммо...

Аризабозликлар давом этади. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг 2018 йил 27 февралдаги ҳукмига қўра, Самарқанд шаҳар ИИБ тергов бўлими ходими Х.Намозов томонидан 2017 йилнинг 11 ноябридаги жиноят ишининг «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ ходимларига нисбатан қисмини ҳаракатдан тугатиш ҳақидаги қарори бекор қилинади.

Ҳукмда Гагарин кўчасидаги 128-йўлда жойлашган хонадонларнинг ноқонуний бузилиши ва улардаги жиҳозларга зарар етказилиб, талон-тарож қилинганлиги ҳолатига эътибор қаратилади. Натижада «Гарант қурилиш сервис» МЧЖ раҳбари Элдор Мўминов ва ходимлари ҳаракатларида Жиноят кодексининг 169, 173-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлигини аниқлаш ва ҳуқуқий баҳо бериш учун материал тариксида ажратилади ҳамда Самарқанд вилоят прокурори орқали тегишли суриштирув органига юборилиши кўрсатилади.

Афсуски, орадан бир йил вақт ўтаётганига қарамай, бу борада бирорта амалий натижа бўлмапти, ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ҳаловат билмай, ҳамон овор-я-сарсон бўлиб юрибди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Самарқанд вилояти янги ҳокими тадбиркорлик субъектларини томонидан дуч келинаётган муаммолар ва турли тўсиқларни тегислаштириш билан хал этиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш масаласида учрашув ўтказганида Жамшид Шомуродов арзини ҳам эшитиб, муаммони жойида ўрганиб, ҳал этиш юзасидан мутасадди раҳбарларга топшириб беради.

Бу ҳақда 2018 йил 3 август санаси билан йилгилиш баённомаси тузилди. Лекин негидир ўзгариш бўлмади, кимдир панада туриб, бу муаммо хал бўлишига тўсиқлик қилмаганга ўхшайди. Ёки тегишли идоралар ўз вазифасини бажара олмапти, аниқроғи, бажаришни истамаётганга ўхшайди. Акс ҳолда, қонунсизлик кўриниб турибди, айбдорлар аниқ, жабрланувчилар дод, деб ёрдам сўрапти...

Нега масала ҳал бўлмапти? Журъат йўқми, хоҳиш йўқми? Эҳтимол, бу бино бекорга бузилмаган ва «Гарант қурилиш сервис»га бекорга берилмагандир, деган фикр ҳаёлга

келади. Исталса, бунга ҳам аниқлик киритиш мумкин, деб ўйлаймиз.

Кейинги икки йилда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида катта ислохотлар амалга бориляпти, ўзгаришларни халқ кўриб, билиб турибди, раҳматлар айтаяпти. Лекин шу билан бирга, баъзи жойларда ҳамон адолат посангиси бузилаётгани ҳам ҳақ гап. Тахририятимизга келаётган ариза ва шикоятлар буни кўрсатиб турибди.

Шу ўринда Самарқанд шаҳар ҳокими ўринбосари Б.Элмуродовнинг 2018 йил 18 февралда шаҳар прокуратурасига юборган хатига Ж.Шомуродовнинг талаби қонуний эканлиги таъкидланган.

«Гарант қурилиш сервис» қорхонаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун талаблари ҳамда белгиланган талабларга риоя қилмасдан, ушбу манзилдаги турар ва нотурар уй-жойларни мулкдор Ж.Шомуродовнинг розилигисиз қонунга хилоф равишда, яъни, ноқонуний тарзда бузиб ташлагани кўрсатилган. Шунингдек, мазкур ҳолат юзасидан Ж.Шомуродов Самарқанд шаҳар прокуратураси ёки Фуқаролик ишлари бўйича шаҳар судига мурожаат этиши, суд ҳамда прокуратура органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда мазкур қарорни бекор қилишда шаҳар ҳокимлиги эътирози йўқлиги маълум қилинган.

Гап яна юқорида келтирилган, Самарқанд шаҳар ҳокими томонидан 2015 йилнинг 27 ноябрида ҳамда 2016 йилнинг 19 декабрида қабул қилingan қарор ва унга ҳуқуқий баҳо бериш ҳақида кетаяпти.

— Ҳар бир тадбиркорнинг хусусий мулки давлат ҳимоясида ва дахлсиз бўлиши қонунларимизда кўрсатиб қўйилган. — дейди тадбиркор Жамшид Шомуродов. — Мамлакатимиз Президентини бизни доим қўллаб-қувватлаётганини амалда кўриб-билиб турибмиз. Шундай бир даврда нега «қонун оқ қорани қора», деб баҳолашмаётганига ҳайронман. Ҳақиқатини яшириш, турли баҳоналар билан унинг қозига қора чаплаш мумкин. Барибир бир кун келиб, адолат қарор топишига ишонаман.

Лекин меннинг тадбиркорлик фаолиятим тўхтаб, 10-15 киши ишсиз қолди. Қорхонамиз давлатга солиқ тўларди. Бу ҳам тўхтади. Энди уйлаб қўрайлик, кимнингдир бир нотўғри қарори билан одамларга, давлатга қанча зиён етаяпти? Бу муаммолар билан шуғулланган қанча идоралар овор. Наҳотки буни тушунишмас, ҳақ гапни айтиш шунчалик қийинми?..

Жамшид Шомуродовни қийнаётган саволларни тўғри тушушдан киши масаллага т

2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаб турган барча пенсионерларнинг пенсиялари тўлиқ миқдорда тўланади.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ЁДГОРЛИГИ ҚОШИДАГИ ЎЙЛАР

ХАЛҚИМИЗГА ТАҚДИРДОШ АДИБ


«Ўз тақдиримни ўзбек халқининг тақдирдан ажратиб қаролмайман». «Қадим ўзбек маданиятининг Ўрта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин». «Агар Ўзбекистоннинг ҳамма пахтасини жамулжам қилиб вагонларга орталадиган бўлса, Ердан то Ойга қадар етадиган эшелон зарур бўларди».

Чингиз Айтматов.

Улуғ адиб Чингиз Айтматовнинг бу пурҳикмат сўзларининг ўзиёқ унинг юртимиз, халқимиз, қадриятларимизга чексиз меҳр-муҳаббати далолатидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг улуғ адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон ва Қирғизистонда бирдек катта хурсандчилик билан қутиб олинган. Қарорнинг ҳамма бандлари вақтида изчил бажарилиди. Унинг асарлари қайта-қайта нашр этиляпти, қисса, романлари асосидаги спектакллар пойтахтимиз Тошкентда, вилоятларимиз театрларида қўйилиб келинапти, турли анжуманлар ўтказилаётди.

Президентимиз қарорида кўзда тутилган яна бир банд амалга ошди: Юнусобод туманидаги катта, серкатнон, обод кўчалардан бирига Чингиз Айтматов номи берилди, унинг хотирасига атаб ёдгорлик — барельеф ўрнатилди. Олти километрлар чамаси чўзилган кўчанинг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтига яқин томони Қирғизистон Республикаси элчихонасига олиб борса, иккинчи томони Бўзсув анхорига бориб тақалади. Баланд қизғиш мармар бағрига ўрнатилган ёдгорлик бениҳоя чиройли, бежирим. Адибнинг қўркам қиёфаси, юз-қўзлари, ўйчан нигоҳидан нур, доншмандлик ёғилиб турибди, ўнг қўлида энди ёзилган ё ёзмаққа ҳозирланган қоғоз varaқлари...



Мен ҳам ушбу ёдгорлик очилганида қатнашиш бахтига муяссар бўлдим. Чингиз оға билан учрашиб, унинг сўзларини жон қўлоғим билан ашитган ўша қувончли, тарихий кунлар ёдимга тушди.

Азиз китобхон, муҳтарам меҳмон, адиб ижоди мухлиси, келинг, мен ушбу кўчага туташ кўчада яшовчи сифатида сизни пиёда сайр қилдирай. Аввал, ёдгорликни тўйиб томоша қилиб олинг, сўнгра сеvimли адиб билан биров хаёлан суҳбат қурайлик, асарлари, қаҳрамонларини кўз ўнгимизга келтирайлик.

Энди ранго-ранг гуллари, хушқад арчалари билан дилни яйратувчи бу сўлим, қўркам хиббон бўйлаб сайр қилайлик. Қаршимизда, сал нарироқда кунлик, хафталик, ойлик об-ҳаводан маълумот берувчи Гидрометмарказ, юлдузлар оламини ўргатувчи Астрономия институти бинолари жойлашган. Кўчанинг икки тарафида катта-кичи бинолар, турли идора, муассасалар. Қарама-қарши йўналишида олиб бораётган турфа машиналарни кузатиб, ҳой-наҳой, «Асрни қаритган кун» романидаги «Поездлар Шарқдан Ғарбга, Ғарбдан Шарққа пайдар-пай ўтиб турарди», деган жумла ҳавлинигизга келгандир. Бирор қақиримча юргач, чорраха қаршида тўхтайлди-да, икки тарафга назар ташлайлик. Чап томонда «Бодомзор», светофордан ўтилгач, «Зебузар» тўйхонаси.

Унг тарафда, Қазичилар маҳалласи, бу ерда машҳур адиб Одил Ёқубов яшаган. Чингиз оға Тошкентга келганида, қадрдони, ҳамкасиби уйда кўп бор меҳмон бўлган, ижод аҳли билан қизгин гурунлар қилган. Мустабиб замонда миллий адабиётларда тарихий мавзуларда ёзилган асарлар хуш қўрилмаган, очик, пинҳоний тўсиқлар қўйилган даврларда Чингиз Айтматов «Литературная газета»да Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» романига катта баҳо бергани, буюк олим, те мурийзода шох ҳақида баланд фикрлар билдирганини яна бир бор миннатдор бўлиб эслайлик.

Бироз юриб, «Сардоба» ё «Мусаффо» кафе-ларига кириб, миллий таомлардан кўнгли суйганини тановул қилиб, бир пиёла кўк чой ичиб, хордиқ чиқариш мумкин. Сўнг яна йўлда дароом этамиз. Қаранг, яна бир оз юрамиз, чап томонда «Мирза Юсуф» жомеъ масжиди. Бу ерда Рўза, Қурбон ҳайити байрамларида тумонот одам қатнашади, жума кунлари гавжум бўлади. Чингиз Айтматов мақолаларида, Дайсаку Икэда, Мухтор Шохонов билан мулоқотларида дин афюн деб эълон қилинган замонларни ачинаш билан эслаган, мустақиллик барча динларга кенг имконият яратганини миннатдор бўлиб таъкидлаган.

Назаримизда, анча йўл юрдик. Чарчаган бўлсангиз, шу ерда сайрни тўхтатишимиз мумкин. Бу кўча Анхоргача боради. Бўзсув бўйлари ободонлаштирилиб, сайлгоҳга айланиб бораёпти. Сайрни, мулоқотни келгуси сафар сув бўйида дароом эттирамиз...

Сайди УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган ёшлар
мураббийси, публицист.



КЕКСАЛИКНИНГ УМРИ УЗАЙМОҚДА

МУНОСАБАТ

Умр — ширин нарса.
Чунки у инсонга фақат
бир боргина берилади.
Шунинг учун тирикликнинг
ҳар лаҳзаси — ғанимат.
Шу ғанимат муддатни
самарали меҳнатга
бағишлаган яхшими ёхуд
ҳою ҳавасга совурган
маъкулми?

Қушларга қаранг, Жонида жони борица тинмайди. — Ушга рўқ тиради. Инсон-чи? Бир умр ҳақловат бўлмай меҳнат қиладиганлар бор. Кўп буюқ қалам соҳиблари умрининг сўнгги лаҳзасигача ёзган. Уларнинг айнан ана шу сўнгги асарлари кўпроқ машҳур бўлган.

Лекин... Бизда узоқ йиллар «пенсия ёшидагилар марҳамат қилиб жонини ёшларга бўшатиб қўйсин», қабилида иш тутилди. Бу қарор қонуний ҳужжат билан мустаҳкамлаб қўйилди ҳам. Пенсиядаги ижодкорлар мақола, китоб ёзгани учун қалам ҳақи оладиган бўлса, пенсиясининг ярми ушлаб қолинмайдиган бўлди.

Бунинг устига, иш берувчи пенсия ёшидаги ходимни иқтидори, тажрибаси, фидойилигига қарамай, вазифасидан озод қила берди. Бунинг оқибатида биринчидан, кўплаб корхона ва ташкилотлар тажрибали ходимларсиз қолди. Бу, айниқса, олий таълим муассасаларида, маданият, маънавият ва маърифат соҳаларида жуда кескин тарзда амалга оширилди.

Иккинчидан, жамиятдаги фаол ҳаётдан бир-

дан ажраб қолиш кўп кишиларни оғир руҳий ҳолатга тушириб қўйди. Шунинг учун ҳам кўп эшитганмиз, «тупла-тузук юради, ишдан кетган, ётиб қолди...» деган гапларни. Кексаларга бундай муносабат уларнинг умрини қисқартирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2019 йилдан бошлаб пенсия тўловининг юқори чегараси энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилади ва ишлаётган пенсионерларга пенсиялар тўла миқдорда тўланади, деди.

Ҳар қандай сўз — амали билан гўзал. Орадан беш кун ўтиб, яъни 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самардорлигини ошириш ва пенсионерларни иқтимоий қўллаб-қувватлашни қўлайтиришга оид қўшимча қора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Бу ҳужжатда давлатимиз раҳбари ўз маърузасида қилиб сўрган икки таъмин қилиш шартини билди.

Булари биринчиси — 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб ишлаб турган барча пенсионерларнинг пенсиялари тўлиқ миқдорда тўланади.

О-йини айтганда, бу фармон билан жорий этилаётган иккинчи янгиликнинг аҳамиятини ҳамма ҳам тўла тушуниб олавермайдик.

Бизда аёллар учун 55, эркеклар учун 60 ёш пенсия ёши қилиб белгиланган. Лекин, истаса, аёллар 54 ёшга тўлганидан кейин пенсияга чиқиши ҳам мумкин. Бу — биринчи шарт. Иккинчи шарт шундан иборатки, аёллар учун 20, эркеклар учун 25 йиллик умумий стаж керак.

Пенсияга чиқаётган фуқарога пенсия пулини белгилаш учун унинг охириги ўн йилдаги даромадлари тўғрисида маълумотномалар олинади. Шу ўн йил орасидан фуқаро энг кўп даромад топган узлуксиз беш йил танланган. Шу муддатдаги ўртача ойлик даромади ҳисоблаб чиқарилади. Аввал унга ана шу ўртача ойлик даромаднинг энг кам ойлик иш ҳақининг 8 баробаридан 55 фоизи миқдориди

пенсия тайинланарди. Лекин агар фуқаронинг ойлик даромади 8 энг кам ойлик иш ҳақидан юқори бўлса, бу ёғи инобатга олинмас эди.

2019 йилнинг 1 январидан эса ана шу миқдор ўзгаради. Энди фуқаронинг беш йиллик умумий даромадидан бир ойлик пенсияси даромадлари энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан келиб чиқиб ҳисобланади. Шунда мамлакатимиздаги пенсиянинг энг кўп миқдори ана шу 10 баробарнинг 75 фоизи миқдориди қилиб белгиланади. Шу тариқа энг катта фуқаролик пенсияси 1 миллион 520 минг 475 сўмни ташкил этади. Январь ойидан бизда энг юқори пенсия олаётган фуқаронинг пенсиясига нақд 304 минг 125 сўм қўшилидиган бўлди. Бу — кунига ўртача 10 минг сўм деган гап.

1 январдан амалда барча пенсионерларнинг пенсиялари қайта ҳисобланади. Пенсияга чиққунгача бўлган охириги ўн йилнинг узлуксиз беш йилда ўртача даромади 8 энг кам иш ҳақидан ортган пенсионерларнинг пенсияси, албатта, тегишли миқдорда қўлаяди.

Бундан эътиборан, фуқарога пенсия берилганда, фуқаронинг ишлаётган сони 100 мингдан сал ошар экан. Бу — ўртача ҳар 25 пенсионердан биригина ишлайди, дегани. Бу эса жамият учун катта фожиа эмас. Аксинча, бундай кексаларимиз салохиятидан фойдаланишимиз, тажрибаларини олиб қўлишимиз керак.

Бир олимни биламан. Айнан пенсияга чиққандан кейин фан доктори, деган илмий даража олиш учун диссертация ёқлади. Ҳозиргача ҳам илмий соҳада ишлайди. Бу йил 87 ёшга кирди. 86 ёшида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги бўлди. Агар пенсияга чиққан 60 ёшида бу кишини ишдан бўшатиб юборганимизда, шунча илмий ишни ким амалга оширган булар эди?!

Хуллас, Президентимизнинг бу фармони мамлакатимизда кучли иқтимоий сисбат ойки борилаётганининг яна бир ёрқин далили ҳисобланади.

Султонмурод ОЛИМ,
«Нақшбандия» журнали
бош муҳаррири.

Самимий суҳбат сабоқлари

КЕЧА ВА БУГУН

Биз талабалар ҳар куни бўлмаса-да, кунора «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига бориб турамыз. Ёзганларимизни кўрсатамиз, ёзишга мавзу сўраймиз ёки бирор тадбирни ёзиб келишга мухбирлар билан бирга борамиз.

Яқинда таҳририятда газета бош муҳаррири мени бир отахон билан таништирди. У киши ўтган асрнинг 70-80 йилларида республикада машҳур механизатор, хўжалик раҳбари бўлган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Қувондиқ ота АБДУРАЗЗОҚОВ экан. Ҳозирда Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида истикомат қиларкан. Мустақиллик йилларида узоқ вақт маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлабди. Яқинда 80 ёшга қарши олибди.

Дастлабки саволим шундай бўлди: — Сиз Ўзбекистон мустақил бўлган даврни ҳам, мустақиллик йилларини ҳам кўрган инсон сифатида икки замонни таққослаб, бугунги ёшларга нималарни айтганиз келади?

— Ўтган замонда халқимиз бошига солинган воқеаларни айтсам, бугунги ёшлар ишонмайди. Уларнинг кўзига эртак айтаётган одамга ўхшаб қўринишми мумкин. Ўша замонда ҳамма тенг ҳуқуқли дейилар эди, аслида тенг эмасдик. Ўзларига лозим кўрганни, бизга муносиб қўришмасди. Урф-одатларимизга бепасанд қарашарди...


— Мисоллар келтирсангиз, яхши бўларди.

— Ўзим ҳам шу мисолларга қараб келаямман. Ҳеч эсимдан чиқмайдиган бир воқеани айтмай, 1968 йили мен Ўзбекистон ёшларининг илгор вакилларидан бири сифатида вақонининг Болгарияда бўладиган IX жаҳон фестивалига борадиган бўлдим. Мени Ўзбекис-

тон раҳбари Шароф Рашидов қабул қилиб табриклади, фестивалда иштирок этиш масъулиятини тушутирди. «Сиз ўзбексиз, бозордан зўр дўппи олмасизда, кийиб бора-сиз, Ўзбекистондан эканлигинизни билганиб турсин», деди. Москвага жўнадик. «Юность» меҳмонхонасига жойлашдик. Делегация билан ресторанга бордик, чиқаётганимизда икки йигит мени тўхтади, бир хонага олиб кириб, «Сен нима, ўзбекилингизини намойиш қилмоқчимисан. Сенинг ватанинг — СССР. Агар дўппингни ечиб ташламасанг, келган жойингга жўнатиб юборамиз», дейишди. Мен ноилоҳ дўппимни ечиб, жомадонимга беркитдим. Қаттиқ хафа бўлдим.

Яна бир мисол айтмай, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Ўзкомпартиянинг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Шунда Шароф Рашидов «Мен йиғилишни бошлашдан олдин сизларга бир хушхабарни етказмоқчиман. Москвадан «Халқлар дўстлиги» саройини қуришга рухсат ва маблағ олиб келдим. Сизларни табриклиман!», деди хурсанд бўлиб. Ҳақиқатан ҳам, бу катта воқеа эди ўша замонда.

Ҳозир бунга ўхшаш бинолар исталган вилоятда, қишлоқларда қуриляпти. Зарбдор туманимизда бир ярим йил ичида «Тўқимачилик комбинати» қурилди. Бу ерда 500 га яқин одам ишляпти. Икки йилдан сўнг бу курсатки 3500 га етиши мўлжалланган. Бу ерлар илгари чўл эди. Одамлар ишсиз эди. Завод, фабрика тў-



рисиди-ку гап бўлиши мумкин эмасди. Ҳозир чекка қишлоқларимизда ҳам супермаркетлар қурилмоқда.

Мустақиллигимиз бўлмаганда, ким бизга бу қурилишларга рухсат берадди? Ҳеч ким...

Бугун Тошкентни айландим. Ўтмишдаги Тошкент билан бугунги ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. «Toshkent city» деган шаҳарча қуриляётган экан. Тўхтаб томоша қилдим, гурунландим. Ўтган замонда буни орзу ҳам қилиб бўлмасди.

— Мустақилликдан олдин халқимиз турмуши қандай эди?

— Авваллари лойдан, пахсадан қурилган уйларда яшардик. Ўйга эгалик қилиш ҳуқуқи, шахсий мулкимиз йўқ эди. Барча нарсаси давлатники эди. Аксарият уйлар полсиз эди. Ерга қамиш ёки хашак тўшаб, устидан шопча ташланарди. Бир-икки хонали кулбаларда 8-9 жон яшарди. Кимдир уйининг томини шифер билан ёпса, терговга қақиртирилиб, сўроқ қилинарди. Бугунги кунда кам таъминланганларга, жисмоний имконияти чекланганларга имтиёзли ёки бепул уйлар берилмоқда. Бундан ортиқ яна

нима қилиш мумкин?! Фақат шукрона айтишимиз керак.

— Шифохоналарнинг аҳволи қандай эди?

— Шифохона номига шифохона эди. Айниқса, қишда азоб эди. Совуққа чидаш осон эмасди. Яна бир гапни айтмай, шифохона дейсизми, уйми иситиш учун ўтин, кўмир етишмасди. Касалхонага ётқизилган одамнинг кетидан кўрпа кўтариб борадик...

— Ўша даврдаги мактаблар ҳақида ҳам айтиб бериинг?

— Биз биринчи синфдан бешинчи синфгача бир хонада ўқиганмиз. Ўқитувчимиз ҳам битта эди. Ҳозир қуриляётган мактаблар қаерда эди. Болалар бочаси нималигини билмаганимиз. Дарактлар соясига бешикми, беланчаки бўларди. Ҳозир алоҳида вазирлик ташкил этилди. Болаларни юз фоиз бочага жалб қилиш чора-тадбирлари қурилмоқда. Бу курсатки авваллари бир фоизи ҳам ташкил этмасди.

— Сиз узоқ йиллар маҳалла фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлагансиз. Бугунги ҳаётимизда маҳалланинг аҳамияти ҳақида тўхталсангиз.

— Мен 17 йил маҳаллада фаолият юритдим. Қўллаб-қувватловчи маҳалла ёрдамида ҳал қилишимиз мумкин. Қанчадан-қанча оилаларни иш билан таъминлашга ёрдам бердик. Аразлашиб, бир-бирига аччиқ қилиб ажралмоқчи бўлган ёшларнинг оилаларини сақлаб қолдик. Қуммакка эҳтиёжманд оилаларга саховатпеша тадбиркорларни бриктирдик. Шундай ишладикми, одамлар ҳокимликка кирмай қўйди. Мустақиллик йилларида маҳалланинг вақолати, ҳаётимиздаги ўрни мустаҳкамланди. Юртинг тинчлиги маҳалладан бошла-нишни унутмаслик керак.

— Биз, ёшларга сабоқ бўладиган суҳбатингиз учун катта раҳмат. Сизга узоқ умр, сийхат-саломатлик тилаймиз.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси,
Мафтунахон СУНАТИЛЛАЕВА
суҳбатлашди.

ИККИ ТАШАК-КУРНОМА

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

Олий тоифали шифокор Муборак Ҳосилова Самарқанд шаҳар 1-болалар шифохонаси педиатрия бўлими бошлиғи бўлиб ишлайди. У ўз касбининг билимдони, ширинсўзлиги ва меҳрибонлиги, билим ва тажрибаси билан болаларни даволайди, мурғак қалблар дардида маҳкам бўлади.

Муборак опанинг фарзанди Улугбек Кубаев Тошкент ахборот технологиялари университети битирганидан сўнг ҳарбийлик касбини танлади. Ҳозир у Сурхондарё вилоятидаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилапти, лейтенант.

Иккинчи ўғли Жаҳонгир Кубаев Тошкент-Корея Ежду институтининг туризм факультетида ўқийди. Яна бир фарзанди — Дилшодбек Кубаев эса Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицейнинг 1-босқичида таълим олмакда.

Муборак Ҳосилова янги йил арафасида Улугбек хизмат қилаётган ҳарбий қисм ва Дилшодбек таълим олаётган академик лицей раҳбарларидан ташаккурномалар олди. Улардан



бирида қуролдош дўстларига, иккинчисида тенгдошларига ўрнат бўлаётган фарзандни тарбиялагани учун ташаккурнома билдирилган.

Шифохона бош врачси Тозагул Ходикова жомани ўқиб, ташаккурномани ўқиб ашиттирди. Бундан Муборак опанинг боши осмонга етди, Ватанга хизмат қилишни муқаддас бурч, деб билган фарзандларидан фахр ҳиссини туйди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН



БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиали Тошкент шаҳар, Сергели тумани, «Янги Сергели» ва «Меҳриғиё» кўчалари кесишувидида, 116-ўй манзилида жойлашган 2 қаватли қурилиш тугалланмаган бинони банк фаолиятига мослаган ҳолда тайёргарлик ва демонтаж ишларини бажариш бўйича танлов эълон қилади.

Таклифлар 2019 йилнинг 14 январь куни соат 17:00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: (78) 150-77-02, (98) 115-07-34.

Паркент тумани Қорақалпоқ худудидида фаолият юритиб келаётган «Yuksak Obod Ravnaq» фермер ҳўжалигини Бошқизилсой худудидида фаолият юритиб келаётган «Xamdisheh» фермер ҳўжалигига қўшиб юбориш орқали ТУГАТИЛАДИ.

«Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси журналист Бахтиёр Ҳамидова падари бузурувори Файзулло отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

ТАБРИК, ҚУТЛОВ

«Ўзпахтаёғ» тизимидаги

«КОГОН ЁҒ»

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳолиси ҳамда меҳмонларини
Янги йил билан табриклайди. 2019 йил
барчамизга тинчлик, тан-сиҳатлик, хурсандчилик,
бахт, омад ва фаровонлик келтирсин.

Кўнглингиздаги эзгу,
олижаноб тилакларингиз
амалга ошсин!

Маҳсулотлар сертификатланган.

«Ўзпахтаёғ» тизимидаги

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ»

акциядорлик жамияти жамоаси



барча
ҳамюртларимизни
Янги йил байрами
билан қутлайди!



Барчага сиҳат-саломатлик,
тинчлик-хотиржамлик тилайди!

ЯНГИ – 2019 ЙИЛ
муборақ бўлсин, азиз юртдошлар!

Маҳсулотлар сертификатланган.

ТАБРИК, ҚУТЛОВЛАР

«Ўзпахтаёғ» тизимидаги

«ФАРҒОНА ЁҒ-МОЙ»

акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини

янги — 2019 йил

билан табриклайди!

**Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо,
истиқболимиз порлоқ бўлсин!**

Маҳсулотлар сертифициланган.

«Ўзпахтаёғ» тизимидаги

«НУРЛИ ДОН»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси:

– Азиз юртдошлар, барчангизни
Янги – 2019 йил билан чин дилдан
табриклаймиз!

**Дастурхонингизга сифатли
озик-овқат етказиб беришга
ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз.**

Янги йил ҳар биримизга
олам-олам қувонч бағишласин!



«БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»
 масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни, юртимиз меҳмонларини янги — 2019 йил билан муборакбод этади!

Эл фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги бунёдкорлик ишларингизда муваффақиятлар тилайди!

Янги йил қувончи, сиз азизларни асло тарк этмасин!

Маҳсулотлар сертификатланган.

QISHLOQQURILISHBANK

барча юртдошларимизни ЯНГИ - 2019 ЙИЛ билан муборакбод этади!

Сизларга мустақам соғлиқ, оилавий бахт, тинчлик ва фаровонлик тилайди!

ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚЎЙДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

“Инсон манфаати” — омонат муддати — 13 ойдан 25 ойгача, фойиз ставкаси йиллик 19 %.

“Жонажон Ватан” — омонат муддати — 7 ойдан 13 ойгача, фойиз ставкаси йиллик 17 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фойизлар ҳар ойда тўлаб борилади. Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Қишлоқ қурилиш банк” — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(78) 150-72-58, 150-93-39
 www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «KRANTAS»

Производит и реализует под заказ:



► Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
 ► Водовозы — 4, 8, 12 м³.
 ► Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
 ► Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
 ► Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
 ► Автогудронаторы — 6, 8 м³.
 ► Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
 E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.